

**ЖИНОЯТ ИШЛАРИ  
25,7 ФОИЗГА  
КАМАЙГАН**

2-бет

**БОЛАЛАРИМИЗ  
РУХАН СОҒЛОМ  
БЎЛСИН!**

7-бет

**БИРЛАШМА  
АЪЗОЛАРИ КЎЧАТ  
ЎТҚАЗИШДИ**

8-бет



## БОШ МАҚСАД – ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ҲАМКОРЛИК

Қозоғистон пойтахтида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари котибларининг учрашуви ўтди.

Ташкилотнинг қузатувчи давлатлари – Мўғулистон ва Беларусь меҳмон сифатида таклиф этилди. Ушбу учрашув доирасида ташкилот масъулият соҳасининг долзарб халқаро муаммолари, жумладан, “ёвузликнинг уч кучи” (терроризм, сепаратизм, экстремизм), гиёвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланими, трансмиллий уюшган жиноятчилик ва халқаро ахборот хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ҳамкорлик, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш, Жамоавий Шартнома ташкилоти каби кўп томонлама ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди.

Тадбир якунида ташкилотга аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари котиблари йиғилиши баённомаси имзоланди.

ҚР Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот хизмати.



# Жанубий Қозоғистон

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган  
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2024 йил 6 апрель, шанба, №38 (3384).

»» Президент

## ПРЕЗИДЕНТ – ҒАРБИЙ ҚОЗОҒИСТОН ВИЛОЯТИДА

Президент Қасим-Жўмарт Тоқаевнинг Ғарбий Қозоғистон вилоятига хизмат сафари сув босган ҳудудлар устидан парвоздан бошланди. Даставвал Давлат раҳбари Теректи, Сирим ва Қаратўбе туманларидаги аҳвол билан танишди.

Вилоят ҳокими Нариман Тўреғалиев Президентга маълум қилишича, шу кунгача 6та туман ва Ўрал шаҳри сув остида қолган. Тошқин 552та уй-жой биноси ва 427та дала ҳовлига зарар етказган.

Вилоят раҳбарининг маълум қилишича, сув тошқинининг олдини олиш тадбирларига жами 1911

киши, 332та техника, 101та мотонасос, 1та вертолёт жалб этилган. Тадбирларда Алмати ва Манғистов вилоятлари кутқарувчилари иштирок этмоқда. 7 мингга яқин одам кутқарилиб, бошқа жойга кўчирилди.

Жабрланганларга маҳаллий бюджетдан бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида 63 миллион

тенге ажратилди. Сувни торттиш, ўзанлар сохилларини қум билан тўшиш, сув ўтказгичларни кенгайтириш ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, Президент Қаратўбе туманида кутқарувчилар, кўнгилчилар ҳамда табиий офат чоғида жабрланган аҳоли билан учрашди.

Akorda.kz.



## ШИЖОАТЛИ ЁШЛАР – ЮРТИМИЗ КЕЛАЖАГИ

Туркистон вилоятдан келган делегация аъзолари таълим ва илм-фан соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида Жанубий Корея олий таълим муассасаларидан бири бўлган “Woosong” университети қошидаги “Солбриж” халқаро мактабида бўлди. Дархан Сатибалди талабалар шаҳарчасидаги таълим муассасасига бориб, у ерда таҳсил олаётган қозоғистонлик ёшлар билан учрашди.



Мазкур олий ўқув юрти ишлаб чиқаришга асосланган техник мутахассислар тайёрлайди.

– Жанубий Кореяга хизмат сафаримиз доирасида ушбу таълим даргоҳида мамлакатимизнинг кўплаб ёшлари таҳсил олаётганидан хабардор бўлдим, шу боис сизлар билан учрашишга келдик. Хабарингиз бор, Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тоқаев IT технологиялари соҳасида малакали мутахассислар тайёрлаш вазифасини илгари сурган эди. Шу муносабат билан февраль ойида Қозоғистон

Республикаси Фан ва олий таълим вазирлиги Саясат Нурбек Астана шаҳридаги “Woosong” университети вакиллари билан учрашув ўтказганидан хабарингиз бор. Натижада Туркистонда ушбу университетнинг филиалини очиш масаласини кўриб чиқилди. Таъкидлаш жоиз, Президентимизнинг ана шундай истиқболли ташаббусларини амалга ошириш мақсадида Қозоғистонда 12та хорижий олий таълим муассасаларининг филиаллари очилди, – деди Дархан Сатибалди ёшлар билан учрашувда.

Университетда 85 нафар қозоғистонлик йигит-қиз таҳсил олмақда. Бу ОТМни 150 нафар талаба тамомлаган.

– Мамлакатимиз келажаги сиз каби билимли ёшлар кўлида. Туркистон вилояти Қозоғистоннинг маънавий пойтахти. Биз доим давлатлар ўртасидаги дўстлик муносабатларини мустаҳкамлаш учун бор куч-ғайратимизни ишга соламиз. Сизларни ўқишни тамомлагач, юртимизга қайтиб, фидокорона меҳнатингиз билан мамлакат равнақига ҳисса қўшишга чақираман. Ҳар бирингизнинг билимингиз мамлакатимиз иқтисодиёти тараққиётига улкан

туртки бериши шубҳасиз. Заковатли бўлинглар, – деди вилоят ҳокими.

Ишчи ташриф доирасида Туркистон вилояти ҳокими Дархан Сатибалди раҳбарлигидаги вилоят делегацияси “Woosong” жамғармаси раиси Ким Жонг Хюн билан учрашди. Томонлар IT соҳасида талабаларни тайёрлаш юзасидан қўша таълим муассасасини очиш масаласини атрафлича муҳокама қилди. Туркистон вилоятида IT соҳаси мутахассисларига устувор аҳамият қаратилади.

Вилояти ҳокимининг матбуот хизмати.

## 2,5 МЛН. ТУП ТУТ КЎЧАТИ ЭКИЛАДИ

Вилоятимизда тут экиш орқали ипакчиликни ривожлантиришга имкон яратилди. Бунинг учун Ўзбекистондан вилоятга 2,5 миллион туپ тут кўчати келтирилди. Мутахассислар ҳозирга қадар уларнинг дастлабки 85 мингтасини олиб келди.

Баргини йилига тўрт марта олиш мумкин бўлган тут нави “Андижон – Марҳамат – 2017” деб номланади. Дастлабки кўчатлар Жетисай тумани, Мақтали қишлоғи яқинидаги 25 гектар майдонга экилди. Навбатдагиси эса Сарюғоч туманида экилади. Бу ишларга Ўзбекистондан махсус ташриф буюрган мазкур нав муаллифи, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори Абулфаттоҳ Мусирмонқулов услубий ёрдам бермоқда.

Айни пайтда Қозоғистон ипакчилик уюшмаси билан Ўзбекистон “Ўзбекипак” саноат бирлашмаси ўртасида шартнома имзоланди. Яъни, қўшни давлатларнинг пилачилик соҳасидаги тажрибасидан келиб чиққан ҳолда вилоятда соҳани ривожлантириш кўзда тутилган.



Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

### • Обуна–2024



**Қадрли газетхон!  
“Жанубий Қозоғистон” рўзномасига обуна бошланди.**

Ҳиммат кўрсатаман, деганлар нафақадорлар, ногиронлар, кам таъминланган oilаларни газетлага обуна қилишда ҳомийлик қилишлари мумкин.

Ягона мақсадимиз – газетанинг ада-

дини ошириб, кейинги авлодга ёруғ юз билан етказиш. Бунинг учун миллий ғурури юксак инсонлар сафини кенгайтириш лозим. Ана шу эзгу мақсад йўлида барчамиз бир тан, бир жон бўлиб, аҳилликда бирлашсак, нур устига аъло нур бўларди. Токи тарих, маданият, маърифатни улуғлаган халқимизнинг зиёда чанқоқлиги барчага ибрат бўлсин.

6 ойда обуна баҳоси:

«Қазпошта» ХЖ орқали – Туркистон вилояти бўйича – 3415,50 тенге;  
Шимкент шаҳри бўйича – 3095,15 тенге.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 65466

## ҚОЛДИҚЛАР ҚАЙТА ИШЛАНИБ, ХОМАШЁГА АЙЛАНАДИ



Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди Келес туманига хизмат сафари билан бориб, ўзига хос корхонанинг фаолияти билан танишди. У Биртилек қишлоғидаги “Келес Пласт” МЧБнинг қайта ишлаш цехида бўлди.

Мазкур цех 2018 йилдан буён қишлоқ хўжалиги соҳасида кенг қўлланиладиган зарур пленка, зичланган ип, шунингдек, иссиқхонага мўлжалланган қисқич, қўчат етиштиришга мўлжалланган идиш турларини ишлаб чиқармоқда. Нуржан Умаров етакчилик қилаётган корхонада иссиқхона мажмуаси учун зарур буюмлар ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, ўт-

ган йили томчилатиб суғоришга мўлжалланган буюмлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бу лойиҳа вилоят делегацияси ва тадбиркорларнинг Хитой давлатига сафари натижасида амалга оширилди. Корхона соатига 12 минг метр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга.

Тадбиркор билан учрашган Дархан Сатибалди ушбу йўналишдаги лойиҳаларни кўпай-

тириш муҳимлигини таъкидлади. Шунингдек, тадбиркорнинг ушбу ташаббусини қўллаб-қувватлаб, маҳаллий маҳсулот ҳажмини ошириш зарурлигини таъкидлади.

Цех фаолияти билан танишган, вилоят ҳокими Келес тумани тадбиркорлари томонида ташкил этилган маҳаллий маҳсулотлар ва лойиҳалар кўргазмасини кўздан кечирди. Мутасадди бошқармалар ва туман ҳокимига корхоналарни кўпайтириш, янги иш ўринларини очишга доир топшириқлар берилди.



## ДОРИШУНОСЛИК СОҲАСИДА МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ

Минтақа раҳбари Дархан Сатибалди раҳбарлигидаги вилоят делегацияси Жанубий Корея давлатига хизмат сафари доирасида қатор йирик компаниялар раҳбарлари билан учрашувлар ўтказиб, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларини муҳокама қилди.

Хусусан, делегация аъзолари “Dong Sung” фармацевтика компаниясининг бош директори Ян Гу Ли билан учрашди. Учрашув якунлари бўйича ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

1957 йилда соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш мақсадида барпо этилган компания дори-дар-

мон, косметика ва уй-рўзгор буюмлари ишлаб чиқаради. “Dong Sung” фотодинамик даволаш усулларини ривожлантирмоқда. Бу саратон хасталигини даволашда яхши самара беради ҳамда муолажалардан кейинги асоратларнинг хавфсиз ўтишига ижобий таъсир кўрсатади.

## ХАВФСИЗЛИК ЧОРАЛАРИ КУЧАЙТИРИЛАДИ

Вилоят ҳокими Дархан Сатибалдининг Келес тумани аҳолиси билан учрашувида эски кўприкнинг ҳолати ҳақида айтилган эди.

Келесликларнинг мурожаати эътиборга олиниб, минтақа раҳбари муаммони ижобий ҳал қилиб берди. Вилоят ҳокимларининг топшириги доирасида 10та аҳоли манзиллини боғлаб турган хораба

кўприк тўлиқ янгиланмоқда. Вилоят ҳокими Келес тумани Жанадаур аҳоли манзилидаги кўприкнинг қурилиши билан танишиб, маҳаллий аҳоли билан учрашди.

Ҳоким аҳолининг дарё соҳилларини мустаҳкамлаш борасидаги фикрларини ҳам тинглади. У “Туран су” муассасасининг раҳбариятига аниқ топшириқлар бериб, хавфсизлик чораларини кучайтириш топширди.

Минтақа раҳбарининг хизмат

сафари Жузимди аҳоли манзилида давом этди. “Қазушар” республика давлат корхонаси Туркистон филиалининг “Уймаут” сув омборининг ҳолати билан танишган минтақа раҳбари фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш борасидаги ишларни қатъий назоратга олишни топширди. Таъкидлаш жоизки, туманда ҳудуди 670 минг қақиримни ташкил этадиган 148та каналнинг 58 минг қақирими бетонланган.

## 600 ЎРИНЛИ МАКТАБ ВА СПОРТ ИНШООТИ

Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди Келес туманида хизмат сафари чоғида Абай қишлоғида барпо этилаётган спорт иншоотининг қурилиш майдонида бўлди. У ерда олиб борилаётган иш жараёни билан танишиб, қурувчилар билан суҳбатлашди.



Келес тумани қурилиш, меъморчилик ва шаҳарсозлик бўлими топшириги билан барпо этилаётган спорт иншооти қурилишини “Корпорация Ақ ордасы” МЧБ олиб бормоқда. 2023 йилда бошланган қурилишни жорий йил якунига-ча тугатиш режаланган.

Бундан ташқари, ўтган йили Келес тумани, Абай қишлоғида “Бадастир

мактаб” миллий лойиҳаси доирасида 600 ўринли таълим даргоҳининг қурилиши бошланган эди. Дархан Сатибалди ушбу мактабнинг қурилиш жараёни билан танишди. Таълим маскани “Самурық-Қазына” ХЖ буюртмаси асосида барпо этилмоқда. Қурилиш ишларини “ҚДСМ” МЧБ олиб бормоқда. Ер майдони – 3,85 гектар. Лойиҳа қиймати – 5,6

млрд. тенге. Иншоотни жорий йилда фойдаланишга топшириш кўзда тутилган.

Вилоятимизда уч йилда 100та мактаб қуриб режаланган. Унинг 63таси “Бадастир мактаб” лойиҳаси асосида барпо этилади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

## ОҚСОҚОЛЛАР ФАОЛЛИКНИ ОШИРМОҚДА

Сайрам туманида вилоят Қозоғистон халқи Ассамблеяси қошидаги Оқсоқоллар кенгашининг навбатдаги йиғилиши ўтди. Уни Туркистон вилоят ҚХА қошидаги Оқсоқоллар кенгаши раиси Сўзақбай Абдиқулов олиб борди.

Тадбирда Туркистон вилояти ижтимоий тараққиёт бошқармаси раҳбарининг ўринбосари Нурсултан Сейтжанов, вилоят “Жамоат тотувлиги” ДКК раҳбари Эльмира Жангазиева, шунингдек, туман, шаҳар Оқсоқоллар кенгаши раислари ва аъзолари, “Ассамблея ёшлари” республика жамоат бирлашмасининг вилоят бўйича ваколатхонаси аъзолари иштирок этдилар.

Йиғилишда бошқарма раҳбарининг ўринбосари Нурсултан Маратули Оқсоқоллар кенгаши минтақанинг ижтимоий-сиёсий аҳолини барқарорлаштириш ва сало-

ҳиятини оширишга салмоқли ҳисса қўшаётганлигини таъкидлади.

Йиғилишда сўзга чиққан кенгаш раиси Сўзақбай Абдиқулов бугунги кунда Ассамблея мамлакатимизнинг сиёсий ҳаётига улкан ҳисса қўшаётганини таъкидлади.

Учрашувда оқсоқоллар томонидан давлат дастурларининг ижросини таъминлаш юзасидан саволлар берилди ва турли таклифлар билдирилди. Шунингдек, бошқарма вакиллари юзга келган муаммоларни биргалликда ҳал қилишга тайёр эканликларини билдирдилар.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

## ДАСТУРЛАР ИЖРОСИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Президент Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг Мақтубида иқтисодиётни замонавийлаштириш масаласи илгари сурилди. “Қишлоқ хўжалигини ривожлантирмай туриб, рақобатбардор иқтисодиёт барпо этиш мумкин эмас. Бу соҳада ечимини топмаган асосий масалалар мавжуд. Жумладан, узок мuddатга бериладиган “арзон насия”нинг йўқлиги, малакали мутахассисларнинг етишмаслиги. Ҳосилдорликни ошириб, хомашё тайёрлаш билангина чекланмаслик учун, шунингдек, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида тезкор чоралар қабуллаш зарур. Элимизда гўшт, мена-чева, сабзавот, қанд, бугдой, мойли экинлар, сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш учун 7та йирик экотизимни шакллантириш муҳим. Балиқчилик хўжалигига ҳам алоҳида эътибор қаратган маъқул”, деди у.

Буларнинг барчаси муҳим мажмуавий вазифалар.

Тўлебий туманида ҳам sanoat корхоналари замонага мослаштирилиб, янгиланмоқда. Туманда фаолият юритаётган корхоналарда янги рақамли технологияларни жорий этиш – бош талабдир. Шу мақсадда “Жадал индустриявий-инновациявий дастур” ишлаб чиқилиб, йил бошидан буён ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бу ҳақда ҳоким Т. Телғараев туман маслаҳатининг навбатдаги сессиясида маълум қилди.

Туман иқтисодий салоҳиятида sanoat тармоғи ўзига хос аҳамият касб этади. Шу ўринда ҳозир 12та йирик ва 58 кичик sanoat корхонаси мавжудлигини таъкидлаш жоиз. Улар, асосан, машинасозлик, қурилиш соҳасида, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва табиий захираларни қайта ишлаш ҳамда истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоқларида фаолият юритмоқда.

Фақат жорий йилнинг ўзида шаҳар ва қишлоқларда ўнлаб соғлиқни сақлаш, мактабгача тарбия муассасалари, уй-жойлар барпо этилди. Қишлоқларга “Тоza сув” дастури доирасида сув келди.

Бизнеснинг ижтимоий масъулияти доирасида “Қаз Транс Газ Аймақ” ХЖ Ленгер шаҳридаги мактабга спорт иншоотлари қуриб берди.

Туманда янги иш ўринлари очилмоқда. Вилоят ҳокимининг ташаббуси билан бандлик масаласига бизнес вакиллари-нинг ҳам масъуллигини оширишга бу ишга янги талқин берилди.

Туманда бундан ташқари, яна қатор ўзига хос йўналишдаги бошқа дастурларнинг ижросини таъминлаш чоралари ҳам қўрилмоқда. Чунончи, 8та sanoat салоҳиятини юксалтиришга қаратилган лойиҳа амалга оширилмоқда.

– Аграр соҳага келсак, дастур доирасида иқтисодиётимизнинг ҳал қилувчи кучига айланиб бораётган майда хўжаликларни йириклаштириш ишларини ривожлантириш, ер унумдорлигини ошириш, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилганини таъкидлаш жоиз, – деди туман ҳокими. – Тадбиркорликни ривожлантириш эса одамларга ўз даромади ва фаровонлигини ошириш имконини бермоқда. Тараққиётнинг муҳим омилли бўлган бизнес-лойиҳаларнинг амалга оширилиши туфайли туманда ҳар йили юзлаб янги иш ўринлари очилмоқда.

Туманда 30 гектар майдонда индустриявий минтақа барпо этилган, ҳозирги кунда у жами қиймати 12 млрд. 39 млн. тенгени ташкил этувчи 12та лойиҳани амалга оширишни режаламоқда. Улар – бугдой ва сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар лойиҳаси, газланган, газланмаган яхна ичимликлар, мебель, гидротехника ускуналари ишлаб чиқариш лойиҳалари.

Туман маркази Ленгер шаҳрида ҳам кичик ва ўрта бизнес доимий эътиборда. Шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида 14та йирик лойиҳа амалга оширилиб, тадбиркорлик соҳасида меҳнат

қилаётганлар сони 2 344 кишига етди. Ўз ишини очаётган тадбиркорларга давлат томонидан ёрдам кўрсатилмоқда.

Яқинда Туркистон шаҳрида ўтган вилоят ва Хитой Халқ Республикаси компаниялари маҳсулотларининг қўшма кўргазмасида Тўлебий туманида кўмир брикети ишлаб чиқаришни йўлга қўйган “Кўксаек” ХЖ ҳамда музқаймоқ ва шоколади билан машҳур “Балмуздак” МЧБ вакиллари иштирок этди.

Кўргазма доирасида икки томонлама алоқаларни ривожлантириш, қўшма лойиҳаларни ишга тушириш, тажриба алмашиш бўйича меморандумлар имзоланди. Хусусан, Тўлебий тумани иқтисодий минтақаси раҳбарияти билан қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш, кабел тармоқлари, электр транспорт воситаларини қувватлантириш станцияларини яратиш, тикувчилик фабрикасини очиш бўйича меморандумлар имзоланди.

Хуллас, тумандаги барча имконият ва бор салоҳият ҳудуд иқтисодиётини ривожлантириш ва шу орқали ижтимоий масалаларни ҳал этишга қаратилган вазифаларни “Жадал индустриявий-инновациявий дастур” асосида бажаришга қаратилмоқда. Зеро, эришилган ютуқлар натижасида аҳоли фаровонлиги ошиб, турмуш даражаси янада юксалмоқда, ҳудуд, ҳар бир туман, қишлоқ ва хонадон обод бўлиб бормоқда.

Б. РЎЗИМАТОВА.

## БЕКЗАТ САТТАРХАНОВ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Туркистон шаҳрида боксдан Сидней Олимпиадаси ғолиби, “Барыс” орденининг дастлабки соҳиби Бекзат Саттарханов хотирасига бағишланган XXII халқаро ёшлар турнири бошланди. Унда Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Тожикистондан 200дан зиёд спортчи иштирок этди.

Мусобақанинг очилиш маросимида Туркистон шаҳри ҳокими Нурбўл Турашбеков, Бекзатнинг онаси Сирликул Саттарханова сўзга чиқиб, спортчиларга омад тилашди.

Мусобақа ғолибига эсдалик совғалар, медаль ва дипломлар топширилди. Турнир 4 апрелга қадар давом этди.

## БАЛЛИ, БИЛИМДОНЛАР!

Вилоятимиз мактаб ўқувчилари Алматида умумтаълим фанлари бўйича республика Олимпиадасида иштирок этди. Танлов 9-11-синф ўқувчилари орасида ўтказилди. Билимдонлар беллашувида Туркистон вилоятининг 4 нафар ўқувчиси совринли ўринларни қўлга киритди.

Жумладан, Чордара туманидаги М. Қалмирза номли 3-сонли иختисослаштирилган мактаб-интернатининг 9-синф ўқувчиси Ернур Қидир ва Туркистон шаҳридаги “Билим-инновация” мактаб-интернатининг 11-синф ўқувчиси Азамат Тастибай иккинчи ўринни эгаллади. Бундан ташқари, Кентов шаҳридаги “Дарын” иختисослаштирилган мактаб-интернатининг 10-синф ўқувчиси Севдияр Собиров учинчи, “Билим-инновация” мактаб-интернатининг 10-синф ўқувчиси Арнур Айдарбек учинчи ўринни эгаллади.

## ЖИНОЯТ ИШЛАРИ 25,7 ФОИЗГА КАМАЙГАН

Бу ҳақда вилоят судининг Жинойат ишлари бўйича суд кенгаши раиси Айдўс Султанов маълум қилди.

– Вилоятимизда 2024 йилнинг биринчи чорагида маҳаллий судлар томонидан 424та жинойат иш кўриб чиқилди ва жиноятчиликнинг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 25,7 фоизга камайгани қайд этилди. Шунингдек, жорий йилда жами 336та жинойат иш бўйича ҳукм чиқарилди ва бу кўрсаткич ҳам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 57тага камайган. Вилоят судининг жинойат ишлари бўйича суд кенгашининг қарори билан 5та суд ҳукми бекор қилинди. Бундан ташқари, медиация йўли билан 7та жинойат иш кўриб чиқилган. Умуман олганда, 2024 йилнинг биринчи чорагида фуқаролар ва ҳуқуқий шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўрсаткичи ўтган йилларга нисбатан 60 фоизга ошган, – деди А. Едигеули.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

»» Вилоят маслаҳатларига – 30 йил



**Халқимизнинг саховатпешалик ва инсонпарварлик фазилатлари муқаддас Рамазон кунларида янада яққолроқ намоён бўлмоқда.**

Ногиронлар ҳеч бир масалада ўзларини ёлғиз ҳис этишмасин, ўз ҳаётларидан рози бўлишсин, барча соғлом фуқаролар билан биргаликда улар ҳам ўзларининг меҳнати жамият учун кераклигига ишонч ҳосил қилсин, деб, Тўлебий туманида улар учун қатор маданий-маърифий тадбирлар уюштирилиб, совғалар улашилмоқда.

Ногиронларга ҳуқуқ ва эркинликларини рўйбга чиқариш учун тенг имкониятлар яратиш, имтиёзлар билан таъминлаш, турмуш фаолиятидаги чеклашларни бартараф этиш, уларнинг тўлақонли ҳаёт кечиришлариغا,

жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий соҳаларида фаол қатнашишларига, шунингдек, ўзларининг фуқаролик бурчларини бажаришлариغا етарли шарт-шароитлар ҳозирлаш мақсадида Тўлебий туман маслаҳати депутати, "AMANAT" партиясининг фракция аъзоси Сейдулла Укибаевнинг ташаббуси билан депутатлар ва партия аъзолари 2-сонли "Тўлебий Болалар уйи" ва Қўксаёқ қишлоғидаги ногирон болалар уйига бориб, учрашувлар ўтказишди. Партия аъзоси З. Сарипбекова вилоятимиздаги ногиронларнинг саломатлигини тиклаш марказларида соғломлаштириш, ишга жойлаштириш, ўқишга қабул қилиш, касб-хунар ўргатиш ва уларнинг салоҳиятини юзага чиқариш бораси-

даги тизимли ишлар ҳақида ахборот берди.

– Ногиронларнинг имконият ва қобилиятларидан келиб чиқиб, уларни фойдали меҳнатга жалб этиш борасида туманимизда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ҳар йили корхона ва ташкилотларда ногиронлар учун ўнлаб квота иш ўрни яратилмоқда. Уйда ўтирган ёшларнинг касаначилик билан шугуланишларини ташкил этиш алоҳида эътиборга олинди, улар хунармандчилик, тикувчилик, қуроқчилик, каби хунарларга ўргатилмоқда.

– Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган чексиз ғамхўрликни, саховатпеша ҳомиёларнинг бекиёс мурувватини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим, – дейди Сейдулла Укибаев. – Мухтасар қилиб айтганда, туманимизда ногиронларнинг ижтимоий ҳимояси борасида амалга оширилаётган ишлар замирида мамлакатимизда уларнинг давлат ва жамият эътиборидан четда эмаслигини таъминлашдек эзгу мақсад мужассам.

– Бизга кўрсатилаётган бундай ғамхўрликдан жуда мамнунмиз, – дейди Қўксаёқдаги ногирон болалар уйи аъзоларидан бири Т. Абдуллаев. – Бунинг учун ташкилотчиларга раҳмат. Бундай тадбирларнинг Рамазон ҳайити арафасида ўтказилаётгани янада қувонарли.



Қўксаёқ қишлоғидаги Амангелди кўчасида сув тошқини хавфи кучайган эди. 5-сонли сайлов округидан туман маслаҳатига депутат этиб сайланган Сейдулла Укибаев тошқиннинг олдини олиш мақсадида ўз техникасини сафарбар қилди ва натижада, фавқулодда ҳолатнинг олди олинди.

\*\*\*

Тўлебий туманида "AMANAT" партияси вилоят филиалида сув тошқинларининг олдини олиш чора-тад-

бирлари муҳокамасига бағишланган фракция йиғилиши ўтди.

Тадбир доирасида партиянинг туман филиали раиси Нурлан Қўйбағаров, ижроия котиби Қуаниш Қансеитов, туман ҳокими ўринбосари Лесбек Серикбаев, маслаҳат депутатлари, фракция аъзолари янги қурилган туман ёнғин хавфсизлиги хизмати биноси ховлисига бориб, моддий-техника базаси билан танишишди.

Б. ДҮСМАТОВА.

»» Таҳририятимиз меҳмони

## ДЕКЛАРАЦИЯ СОЛИҚ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ МУҲИМ ОМИЛ



– Даставвал декларациялаш жараёни юртимизда қачондан бошланди, умуман жорий этилиш тарихига қисқача тўхталсангиз.

– 2017 йил 25 декабрдаги "Солиқлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловлар тўғрисида"ги Қозоғистон Республикаси Кодексини амалга татиқ этиш тўғрисида» Қонунига мувофиқ, умумий декларациялаш жараёни 2021 йил 1 январдан бошланиб, 4 босқичда ўтказилади. Бизда декларациялашнинг икки тури мавжуд. Активлар ва мажбуриятлар тўғрисида бериладиган декларацияни «дастлабки» декларация деймиз. Унга кўра, 2021 йил 1 январдан масъулиятли давлат лавозими эгалари, уларнинг умр йўлдошлари, давлат вазифаларини бажаришга ваколатли шахслар, уларнинг умр йўлдошлари, уларга тенглаштирилган шахслар активлар ва мажбуриятлар, яъни дастлабки декларацияни топширишни бошлаган. 2023 йил 1 январдан мазкур декларацияни давлат муассасалари ходимлари ва уларнинг умр йўлдошлари, шунингдек, квазидавлат, яъни давлат иштирокидаги тармоқлар субъектлари ходимлари ва уларнинг турмуш ўртоқлари тақдим этишди.

2024 йил 1 январдан бошлаб ҳуқуқий шахслар, муассислари (иштирокчилари) ҳамда уларнинг турмуш ўртоқлари, хусусий тадбиркорлар ҳамда уларнинг умр йўлдошлари мазкур декларацияни топширишга. 2025 йил 1 январдан бошлаб аҳолининг қолган қатлами, яъни 18 ёшга тўлган ҳар бир фуқароси декларацияни топширади. Ушбу ҳужжатни давлат даромадлари органларига 2024 йил 15 сентябрга қадар топширишлари жоиз.

2021 йил активлар ва мажбуриятлар тўғрисидаги декларацияни (250.00 намунадаги) тақдим этгач, 2022 йилдан бошлаб даромадлар ва мулк тўғрисидаги декларациясини (270.00 намунадаги) йил сайин топшириш мажбурияти юзага келади. Давлат даромадлари кўмитаси берган маълумотларга суянса, 2022 йилда даромадлар ва мулк тўғрисидаги декларацияни қарийб 580 минг нафар давлат хизматчилари ҳамда уларга тенглаштирилган шахслар, шунингдек, уларнинг умр йўлдошлари топширишган. Умумий декларациянинг иккинчи босқичи доирасида 2023 йилда активлар ва мажбуриятлар тўғрисидаги

Мамлакатимизда аҳоли даромадлари ва мулкнинг декларациясини ўтказиш босқичма-босқич жорий этилмоқда. Умуман олганда, декларация нима учун керак ва ундан келажакда нима кутилмоқда, деган ҳақли савол барча ҳамюртларимизда туғилиши табиий. Унинг қандай юритилиши, бу ҳужжатда нималар кўрсатилиши юзасидан саволларга ойдинлик киритиш мақсадида ўз соҳасининг мутахассиси – Туркистон вилояти бўйича Давлат даромадлари департаментининг ноишлаб чиқариш тўловлар бошқармасининг раҳбари Мейрамбек Кўкенов билан мусоҳаба уюштирдик.

декларацияни давлат муассасалари ва квазидавлат тармоғидаги субъектларининг 2,1 миллиондан зиёд ходими топширган. Жорий йилда эса мамлакатимиз миқёсида қарийб 3,9 млн. жисмоний шахс мазкур маълумотларни тақдим этиши кутилмоқда. Тўртинчи босқичда, фуқароларнинг қолган 6,4 млн.дан зиёди қамралиши режаланмоқда. Жами умумий декларация тизимида қарийб 13 млн. фуқаро иштирок этиши кутилмоқда.

### ВИЛОЯТИМИЗ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Биринчи босқич бўйича вилоятимизда қарийб 25 минг давлат лавозимига эга шахслар, давлат вазифаларини бажаришга ваколат берилган ва уларга тенглаштирилган шахслар ҳамда уларнинг умр йўлдошлари активлари ҳамда мажбуриятлари хусусида декларацияни тақдим этишди. Иккинчи босқичда вилоятимизнинг 235 минг нафар давлат хизматчилари, давлат иштирокидаги муассасалар тармоғи субъектлари ходимлари ва турмуш ўртоқлари декларация топширишди. Мазкур жараённинг учинчи босқичида 300 мингга яқин ҳамюртларимиз ва якуний тўртинчи босқичда Туркистон вилояти аҳолиси 2 млн. 100 минг нафар киши бўлса, 18 ёшга тўлган катта ёшдаги фуқароларимиз 1 млн. 200 минг нафар ҳамюртларимиз декларация топширилиши кутилмоқда.

– Биздаги ўзига хослик – барча муҳим ишларни сўнгги муддатига олиб келиб бажаришга одатланганимиз. Бу борада ҳам даромадларини кўрсатишга улгурмаган ҳамюртларимиз бўлдими, агар бўлса, уларга қандай чоралар кўрилади?

– Афсуски, бундай ҳолатлар учради. Иккинчи босқич иштирокчилари орасида 15 сентябрга қадар декларация тақдим этмаган 10870 нафар жисмоний шахс аниқланиб, улар огоҳлантирилди. Айни пайтда 7000 нафар жисмоний шахс муддатидан ўтказиб, декларация топширгани учун ҚР маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексининг 272-моддаси 1-бандига кўра, огоҳлантирилди. Қолган 3870 нафар жисмоний шахс декларация тақдим этиш арафасида.

### ҚАНДАЙ МУЛК ОШКОР ҚИЛИНАДИ?

– Декларацияда нималар кўрсатилиши жоиз. Ва баъзи мулклар яширилган ҳолатларда бундай шахсларга нисбатан қандай чоралар кўрилиши мумкин?

– Декларацияда қуйидагилар кўрсатилади. Умумий декларация – лўнда ифодалайдиган бўлса, мамлакат фуқаро-

ларининг бир-бирларига қандай мулкка эга эканликлари ва қанча даромад олиб, ундан солиқ тўлаётганлари тўғрисидаги карталарини очини, деб таърифлаган бўлардим. Бор мулкни декларацияда кўрсатмай туриб, мулкни харид қилиш пайтидаги фарқи далиллас мураккаб бўлади. Декларацияда акс эттирилмаган мулк ва даромад юзасидан тадбиркор даромад солигини 10 ставкада тўлашга мажбур бўлади. Шунингдек, 1000 ОҲҚ микдоридан ошадиган буюмлар ҳам унда қайд этилиши керак. 2024 йилдан 1 ОҲҚ 3692 тенгени ташкил этади. Нима учун улар ҳам кўрсатилиши жоиз, деб урғу беряпман? Агар ушбу қийматли буюм сотилдиган бўлса, бошқа буюмларни харид қилиш учун манба деб кўрсатиши мумкин. Нумизматика, антиқа буюмлар, санъат буюмларини йиғувчилар, қизикувчилар ҳам декларацияларида кўрсатишлари жоиз. Акс ҳолда, солиқ органлари ходимларида кейин бу борада савол туғилиши мумкин. Активлар ва мажбуриятлар тўғрисидаги декларацияда лўнда қилиб айтганда 3,5 миллиондан ошадиган хориждаги кўчмас мулк, транспорт воситаси, хорижий банклардаги пуллар, хорижий компаниялардаги иштирок улуши, қимматбаҳо қоғозлар, рақамли активлар, биткоинлар акс эттирилиши керак. Биз нима учун талаб қиламиз? Кейинчалик улар сотилиши мумкин, уларнинг қиймати ҳам юқори бўлиши мумкин.

– Кимлар даромад ва мулк декларациясини топширишмайди?

– Уюшган жиноятчиликка қарши қонун талаблари доирасига кирмайдиган фуқаролар бирон-бир харидни амалга оширмаган бўлсалар даромад ва мулк декларациясини топширишмайди. Айтайлик, нафақадорлар. Кириш декларациясини топширишди, пенсияларидан бошқа даромадлари йўқ, улар декларация топширишмайди. Бу талабаларга ҳам дахлдор. Агар улар фақат стипендия олаётган бўлса, улар ҳам декларация топширишмайди. Бироқ бизнинг талабаларимиз фаол, бир нечта ишда ишлашга улгуришга ҳаракат қилиб, даромад топиш илинжида бўлишди, у ҳолда уларга мобил иловалар ёрдамга келади.

– Декларацияни топшириш услублари?

– Фуқароларнинг 99 фоизи бу ҳужжатларни электрон шаклда топширади. e-Salyk Azamat, eGov mobile, Halyk мобил иловалари, eGOV, moldir.goldau.kz web-портали, cabinet.salyk.kz сайтидаги солиқ тўловчининг кабинети орқали тўлаш имкониятлари ҳамюртларимизга тақдим этилган.

– Сўхбатингиз учун раҳмат.

М. САЪДУЛЛАЕВА сўхбатлашди.

## БОЛАЛАР ЛАГЕРЛАРИДА ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ ҚИЗГИН

Вилоятимизда ёз пайтида болалар ва ўсмирларнинг бўш вақтларини самарали ташкил этиш борасида ишлар олиб боришмоқда.

Жорий ўқув йилида вилоятда 20та ёзги соғломлаштириш лагерлари ва 8та этно ва чодирли лагерлар ташкил кўрсатади. Шу муносабат билан Туркистон вилояти ҳокими ўринбосари Бейсенбай Тажибаев Тўлебий туманидаги лагерларни оралаб, тайёргарлик ишлари билан танишди. Хусусан, вилоят жисмоний тарбия ва спорт бошқармасининг «Бейшешек», вилоят таълим бошқармасининг «Ёш сайёҳлар станцияси» ва «Жанғақ алқаби» («Ореховая роща»), «Тау гүллі», «Кек Төбе» хусусий лагерларида бўлди.

Хизмат сафари Тўлебий туманида барпо этилаётган «Бадастир мактаб»да давом этди. Қўсағаш қишлоғида 2023 йилда бошланган 300 ўрнили мактабни шу йил охирида фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Умумий майдони 2,5 гектарни ташкил этади. Пудратчи – "Дос и К" сервис компанияси. Бейсенбай Даулетули бу ерда қурилиш сифатини кузатиб, умумий ишлар билан танишди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

»» Ҳашар – элга ярашар

## ОРАСТА БЎЛАЁТГАН ОБОД МАНЗИЛЛАР



Сариөгоч туманида «Дарахт экиш – хайрли иш» баҳорги экологик акцияси ташкил этилди. Тадбирдан кўзланган мақсад – ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришдан иборат. Шу маънода ўтказилган кўнгиллилар ҳашарида аҳолининг турли қатламлари иштирок этиб, 10 000га яқин дарахт кўчатлари ўтказилди.

Аҳоли манзилларини ободонлаштиришга бағишланган ҳашарда туман ҳокими Арман Абдуллаев, ҳоким девони ва мустақил бўлимлари раҳбарлари ҳамда кўнгиллилар фаол иштирок этиб, кўча бўйларига кўчатлар ўтказишди.

Қишлоқларда ҳам умумий тозалаш ишлари олиб борилди. Тадбир иштирокчилари тозалик ва ободончиликнинг муҳимлигини яқини англаб, туман ободлигига салмоқли ҳисса қўшишди. Мухтасар қилиб айтганда, юртимизда амалга оширилаётган ишлар ҳаражидида атроф-муҳитни асраб-авайлаш – уларнинг экологик маданиятини юксалтиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

## ЙЎЛЛАР РАВОН БЎЛАДИ

Сайрам туманида вилоят аҳамиятига молик "Қўксаёқ–Оқсув–Чаён–Мингбулоқ-М32" автомобиль йўлининг 25,5-33,8 қақирим оралиғидаги йўл тубдан таъмирланмоқда. Туркистон вилояти йўловчи ташвиш ва автомобиль йўллари бошқармасининг буюртмасига кўра, пудратчи корхона – "Корпорация Береке А" МЧБ томонидан таъмирланаётган иншоот келгуси йили фойдаланишга топширилади.

Бу йил темир йўл ва Оқсувкент марказларига яқин асфальтлаш режаланган. Бугунги кунга қадар пудратчи ташкилот эски асфальт қопламасини тозалаш ишларини бошлади. Шунингдек, йўлнинг қолган қисмларида хавфсиз ҳаракатни таъминлаш мақсадида ишлар олиб борилмоқда.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

## »» Адабий алоқалар

Шимкент шаҳридаги Ж. Ташенов номли университетда “Қўлингизда китоб бўлсин!” мавзuida ўтган кўрик-танлов Ўзбекистон халқ шоираси, Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати аъзоси Энахон Сиддиқованинг 70 йиллигига бағишланган ўзига хос хотира кечаси эди.



Қозоғистон ўзбеклари этномаданият бирлашмаларининг “Дўстлик” ҳамжамияти, Туркистон вилояти ва Шимкент шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмалари, Ж. Ташенов номлидаги университет ҳамда Ўзбекистон давлат хореография академияси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Сайрам туман таълим

бўлими ҳамкорлигида уюштирилган тадбирда Ўзбекистон халқ артисти Гавҳархоним Матёкубова, Ўзбекистон давлат хореография академияси доценти, доктори Хулқар Ҳамроева, шоиранинг фарзандлари – педагогика фанлари номзоди, Фарғона Давлат университети педагогика кафедраси мудири Нилу-

фар Уринова ва педагог-журналист Нигора Манноповалар иштирок этишди. Дастлаб сўз олган Ж. Ташенов номидаги университет ректори Қанат Байбўлов мазкур тадбир аҳамиятига тўхталиб, ташриф учун меҳмонларга, шунингдек, ташкилотчилар – Ўзбекистон давлат хореография академияси

доценти, филология фанлари доктори Ҳ. Ҳамроева ва Ж. Ташенов номидаги университетнинг Халқаро ҳамкорлик бўйича директори, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори Ш. Норалиеваларга миннатдорчилик билдириб, эсдалик совғаларини топширди. Ҳозирги кунда университетнинг 1- ва 2- босқичларда “Ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси” ихтисослиги бўйича жами 60 нафарга яқин талаба тахсил олмоқда. Танловда Сайрам тумани ва Шимкент шаҳри вакиллари, шунингдек, ўзбекистонлик талаба ва ўқувчилар иштирок этишди.

## ҚўЛИНГИЗДА КИТОБ БЎЛСИН!



Тадбирда сўз олган Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, “Иждоқор” адабий бирлашмасининг раиси З. Мўминжонов университет кутубхонасига 33та илмий-оммабоп ва адабий китобларни тақдим этди. Шунингдек, таниқли иждоқорлар Э. Султонова, Ҳ. Одилова, Э. Татиевлар Энахон Сиддиқованинг ижодий фаолияти ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Танлов якунларига кўра, Бибимарям Машарипова ва Рисолатхон Соипова олий ўринга сазовор бўлишса, Самарқанд давлат университети талабаси Маъмура Машарипова, Ўзбекистон миллий университети талабаси

Алишер Ичбоев, Ўзбекистон давлат хореография академияси талабаси Жамшид Мирсолиев, Фарғона давлат университети талабалари Дилобархон Соипова ва Нарғиза Мамадалиева, Ж. Ташенов университети талабалари Саида Мавлонбекова, Севинч Убайдуллаева, Дилдора Отажонова, Бинафша Эгамбердиевалар турли номинацияларда ғолиб деб топилдилар.

Кўрик-танлов якунида ғолиб ва совриндорлар Фахрий ёрлик ва қимматбах совғалар билан тақдирландилар.

3. АҲМАДЖОНОВ.  
Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК  
ЎРНАТИЛДИ

Халқаро ҳамкорлик доирасида М. Ауэзов номидаги ЖҚУнинг рус тили ва адабиёти кафедрасига Бухоро Давлат тиббиёт университетининг ўқитувчилари – педагогика фанлари доктори, профессор, ўзбек тили ва адабиёти, рус тили, педагогика ҳамда психология кафедралари мудири Гулноз Қурбонова, филология фанлари номзоди, ўзбек тили ва адабиёти, рус тили, педагогика ва психология фанлари кафедрасининг доценти Дилором Абдуллаева, ўзбек тили ва адабиёти, рус тили, педагогика ва психология кафедраси муаллими Гузал Бобомуродова тақлиф этилди.



Филология факультетида талабалар ва университет мураббийларининг академик сафарбарлигини ривожлантириш истиқболларига бағишланган семинар ўтди. Имзоланган битимлар доирасида профессор Г. Қурбонова, доцент Д. Абдуллаева ва магистр Г. Бобомуродова филолог талабаларга маъруза ўқидилар.

“Жанубий Қозоғистон” мухбири.

ЯНГИ ДАВРГА ХИЗМАТ  
ҚИЛАДИГАН ФАНЛАР

Шимкент шаҳридаги 15-сонли мактаб-лицейи кимё ва биология фанларини ўқитишда яхши тажриба тўплаган, 1-сонли гимназия мактаби ўқувчиларининг кимё ва биология фанларидан сифатли таълим олиши билан ажралиб туради.

Замонавий кимё ва биология, албатта, университет даражасида юсак савияда ўқитилиши керак ва бунинг учун биринчи навбатда мактаб ўқитувчиларининг кимё ва биология фани бўйича билим савиясини ошириш, олий ўқув юртларида кимё ва биология лабораторияларини зарур жиҳозлар ва дори-дармонлар билан таъминлашни яхшилаш зарур.

Ўқув машғулоти давомида биз тажриба қисмига эътибор қаратамиз, талабалар томонидан олинган назарий билимларини ўтилган мавзу бўйича аниқ тажрибалар билан мустаҳкамлаймиз. Шунинг тан олиш керакки, кўпала талабалар, хусусан, мактаблардан бизга тайёргарликсиз келишади, шунинг учун биз мактаб кимёси асосларини такрорлашимиз ва қайта мустаҳкамлашимиз, университет ўқув дастури бўйича билимларини пухталашимиз керак. Кимё ва биология ўқитувчиси кенг маънода оммабоп муаллим бўлиши керак, чунки у физика, астрономия ва ҳатто математика соҳасида кенг дунёқарашга эга бўлмоғи жоиз. Кимё ва биология бўйича мутахассисни тайёрлаш энг қimmat ва кўп вақт талаб қиладиган ихтисосликлардан бири эканлиги бежиз эмас.

Шунга қарамай, Ж. Ташенов номли университетнинг Президенти, Қозоғистон Республикаси миллий Фанлар Академиясининг академиги Уналбай Аяшев раҳбарлигида бир неча йиллардан буён илмий педагогика ва табиий фанлар факультетида кимё ва биология ўқитувчиларини муваффақиятли тайёрламоқда. Олий ўқув юртида тажрибали ўқитувчилар ишлайди,



кимё ва биология синфхоналари замонавий ўқув материаллари, реактивлар ва мосламалар билан таъминланган.

Университетнинг асосий мақсади – рақобатбардос ўқув марказига айланишидир ва меҳнат бозорига замонавий талабаларга жавоб берадиган мутахассислар тайёрлашдир. Шунинг учун ушбу йўналишдаги асосий талаб меҳнат бозоридagi ўзгаришларни инобатга олган ҳолда таълим дастурларини янгилаш бўлиб, уни амалга ошириш учун барча шароитлар кўриб чиқилмоқда.

Ҳозирги кунда нафақат техник мутахассисликларга, балки гуманитар касбларга ҳам устувор аҳамият қаратиш лозим, айниқса, давр талаби муҳандислар ва саноатчиларнинг янги авлодини шакллантиришни тақозо қилади. Ушбу йўналишда Ж. Ташенов номли университет иш бевуриларнинг талабаларини инобатга олган ҳолда техник ва қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатиш ҳамда ветеринария соҳасига оид ўқув дастурларини тайёрламоқда.

Ўқув жараёнининг мақсади – талабаларнинг амалий маш-

ғулотларга кўпроқ вақт ажратишни таъминлаш. Кимё ва биология бўйича талабаларнинг баъзи тезислари Шимкентда маъсулот ишлаб чиқаришда ўзига хос экологик муаммоларни ҳал қилиш масалаларига бағишланган.

Хусусан, нефтни қайта ишлаш заводининг саноат чиқиндилари (лой)ни қайта ишлаш, Кентов шаҳридаги кон-металлургия заводининг чиқиндиларини қайта ишлаш, шунингдек, электродлар ишлаб чиқариш учун маҳаллий руда ва минералогик хомашёлардан фойдаланиш мавзусига бағишланган. Олимларнинг таъкидлашича, кимё ва биология асри яқинлашмоқда, ҳар ким уларнинг асосларини билиши керак, чунки чиқиндисиз технологиялар асосида экологик тоза маъсулотлар ишлаб чиқариш, яхши мутахассис бўлиш амримаҳол.

Карим ЖАЛИЛОВ,  
Ж. Ташенов номидаги университет ўқитувчиси,  
кимё фанлари номзоди.

ОНЛАЙН ПЛАТФОРМА  
ЯРАТИЛДИ

Яқинда Тошкент шаҳрида хорижда истиқомат қиладиган ўзбекистонликлар учун яратилган ўзбек тилини ўқитиш онлайн платформасининг тақдироти ўтди.

Ўзбекистондаги “Ватандошлар” жамоат жамғармасининг ташаббуси билан тақдим этилган бу лойиҳа тақдиротиға қардош республикалар – Қозоғистон, Қирғизистон ҳамда Тожикистондан ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари, шунингдек, Термиз шаҳридаги ўқув марказида тахсил олаётган афғонистонлик ёшлар тақлиф этилди.

Анжуманда Қозоғистонда фаолият юритаётган етакчи ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари – Ж. Ташенов номли университетнинг ўзбек тили ва

адабиёти куллийтининг катта ўқитувчиси Озода Мусаева, Рихси Шомадиевалар, «Ватандошлар» жамоат жамғармасининг Қозоғистондаги ишончли вакили Юлдузхон Жаҳонгирова, шунингдек, Туркистон вилояти, Келес туманидан камина, Шимкент шаҳридан Насимахон Мирақова, Саврон туманидан Гулҳаёт Аҳмедова, Сайрам туманидан Дилфуза Ҳалимжонова, Соҳиба Соипова ҳамда Қазигурт туманидан Моҳира Рихсимбетовалар иштирок этишди.

Куннинг иккинчи ярмида қардош республикадан ташриф буюрган иштирокчиларнинг қизиган мулоқоти билан уйғунлашган бу тақдирот сўнггида барчага «Ватандошлар» жамоат жамғармаси Ўзбекистон

Ёзувчилар Уюшмаси томонидан ҳамда уюшма раҳбарининг муовини Ғайрат Мажид ўзи ёзган китоблардан совға қилди.

Бу платформа “Ватандошлар” жамоат жамғармасининг муаллифлик ҳуқуқи асосида ягона автоматлаштирилган электрон порталга жойлаштирилиши ҳам ундан фойдаланишда анча қулайлик яратиши, шубҳасиз.

Ўзбек тилини ўқитиш борасидаги бундай ютуқларнинг хайрли ва бардавом бўлишига ишончим комил.

Робия ДЎСТОНОВА,  
Тўйби Бегманова номли 8-сонли мактабнинг олий тоифали ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, иждоқор.  
Келес тумани.

БИЛИМНИНГ ПОЙДЕВОРИ —  
БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА

Мустақил ватанимизнинг келажаги ёш авлоднинг ақли, заковати, қобилияти, дунёқарашига боғлиқ.

Ёшларнинг жамиятда ўз ўрни топадиган инсон сифатида шаклланишида мактабнинг ўрни беқиёс. Мактаб жамиятнинг шакллантиришида мактабнинг ўрни беқиёс. Мактаб болага улкан ҳаёт эшигини очиб, унинг шу дунёда ўз ўрнини эгаллашига хизмат қилади.

Тарбия инсонга турли мураккаб масалаларни ҳал қилишда, ҳаётда учрайдиган паст-баланд сўкмоқлар, оғир синовлардан

қийналмай ўтишига ёрдам беради. Тарбиянинг пойдевори эса бошланғич таълимда. Шунинг учун ҳам бугунги кунда унинг сифати ва мазмуни, таълим бериш усуллари ҳамда шакллари кенг муҳокама қилинмоқда. Сабаби, мактабгача таълим ва бошланғич мактабларда боланинг ички қобилияти, инсоний фазилатлари, иродаси шаклланади. Бошланғич таълимнинг асосий мақсади – шахсни шакллантириш ва унинг маънавий юксалишини таъминлаш, билимга ишончини мустаҳкамлаш, дунёқарашини шакллантириш, ўқиш, изланишга муҳаббатини уйғотиб, китобхонликка иштиёқини ошириш ҳисобланади. Шундай экан, ушбу вазифани бажарувчи асосий шахс бу – ўқитувчилардир.

Халқимиз доим устоз мартабасини улуғлаб келган. Мактаб оstonасига қадам қўйган ҳар бир бола юртнинг эртаси, таянчи десак, уларни виждонли, онгли инсон сифатида тарбиялаш, ҳар бир муаллим-устознинг бурчидир. Бугунги кун ўқитувчиси бошланғич синф ўқувчиларига билим беришгина қолмай, ҳар бирининг қалбига миллий хислатлар – инсонийлик, одоб, ҳаё ва камтарлик хусусиятларини шакллантириши зарур, боланинг маънавий оламини бойитишда халқ педагогикасидан фойдаланиши зарур.

Каромат ТЕШАБОВЕВА,  
Туроб Тўла номли умумтаълим мактабининг бошланғич синф муаллимаси.  
Қазигурт тумани.

»» Янги Қозоғистонни бирга барпо этамиз!

## КЎПЧИЛИК МАНФААТИ ЙЎЛИДА

Саврон тумани, Чоға қишлоғи ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси, В. Воҳидов номидаги мактаб ота-оналар кўмитаси мутасаддиси, фаол обуначимиз Одилхўжа Меҳмонхўжаев (тасвирда) Туркистон шаҳридаги Алишер Навоий номи мактабни тамомлаган.

Ушбу ўқув даргоҳи ободончилиги учун муносиб ҳисса қўшган ҳимматли инсон. Қишлоқда бошланғич мактаб ва болалар боғчаси қурилишига ташаббускор бўлди. Асосий касби – ветеринария соҳасининг равнақиға салмоқли ҳисса қўшди. Туман миқёсида унинг иш тажрибасини ўрганиш бўйича семинарлар ташкил этилган.

Кўп йиллардан буён яйловларни аҳолига қайтариш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда. Туман, вилоят ҳокимлиги, ҳуқуқ-тартибот идораларига йўлланган мурожаатларига расмий жавоблар олинган.

Эл қорига камарбаста Одилхўжа Меҳмонхўжаевни таваллуд куни муносабати ила муборакбод этиб, мустақ



кам саломатлик, умр йўлдоши Муҳаббат Тошпўлат қизи билан қўша қариш саодати ҳамда кўпчилик манфаати йўлидаги ҳолис меҳнатларига омад тилаймиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.  
Муаллиф суратга олган.

»» Янги Қозоғистонни бирга барпо этамиз!

## ЯНГИ ИҚОНДАГИ ЖОНКУЯРИМИЗ

Саврон тумани, Янги Иқон қишлоғидаги “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетасининг ҳимматли жонкуяри, маориф соҳаси фахрийси, бир туп дарахтда ўн хил олма навини пайванд қилиб, мўл-ҳосил олган моҳир боғбон, кимё фани бўйича қатор кашфиётларига ҚР таълим вазирлиги томонидан патентлар олган тафаккур соҳиби Олим Қосимов (тасвирда)ни таваллуд айёми билан самимий муборакбод этамиз.

Узоқ йиллар ҳафта сайин, киш аёзи, ёз жазирасида ўзи каби ҳимматли ўғли Тўлқин билан “Жанубий Қозоғистон” рўзномасини ҳамқишлоқларига ўз вақтида етказишда ҳолис хизмати билан намуна бўлаётганлиги алоҳида ҳурматга сазовор.

О. Қосимовга самимий миннатдорчилик билдирарканмиз, фарзандлари, неваралари, эвара-чеваралари камолини қўриш саодатини тилаб қоламиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.  
Муаллиф суратга олган.



»» Янги Қозоғистонни бирга барпо этамиз!

## ШУКРОНА ВА ИФТИХОР ТУЙҒУСИ

Туркистон вилояти ташкил этилганига олти йил тўлади. Халқимизнинг вилоят марказини обод, фаровон этиб, жаҳон сайёҳлик марказига айлантириш хусусидаги кўп йиллик орзуси шу йилларда давлатимиз сазў-ҳаракатлари билан муваффақиятли амалга оширилди.

Бугунги Туркистон шаҳрининг қиёфаси барчамизда фахр ва қувонч ҳиссини уйғотади. Муқаддас Рамазон ойида Маккаи Мадинага умра сафарига неварам Дилдора Турғунбой қизи билан бирга отланиб, олам-олам таассуротлар олдик. Муқаддас Каъбатуллоҳда ота-онам Сайдан Жамолдин ўғли, Башорат Мирзақамар қизи, қайнота-қайнонам Файзулла Ҳамидулла ўғли ҳамда Азиза Исҳоқ қизи руҳига бағишлаб Қуръон тиловат қилдим. Мунаввар сафаримизга шароит яратиб берган умр йўлдошим Фозил ака, ўғлим Санжар, қизим Нигора, келиним Рўзага ҳамду санолар айтиб, уларга Аллоҳдан узоқ умр сихат-саломатлик тиладим.

Барча оила аъзоларимиз, фарзандларимиз севиб мутоала қиладиган “Жанубий Қозоғистон” газетаси орқали юртимизга тинчлик, файзу барака, ёшларга саодат тилайман.

Клара САЙДАН қизи,  
меҳнат фахрийси.

Тасвирда: Каъбатуллоҳдаги муқаддас сафар.



## ЧЕҲРАСИ НУРЛИ, ГАП-СЎЗИ ДУРЛИ ОНАХОН!



Қорабулоқ қишлоғининг сўлим “Тўқай” даҳасида Абдурахмон қассоб ва Тожинисо буви оиласида Эргашбек, Йўлдошбек, Раҳимжон, Умринисо исмли фарзандлар ўсиб-улғайишди. Ака-укалар “катта уй” атрофида ёнма-ён, тотув умргузаронлик қилишди. Ҳикоямиз қаҳрамони марҳум Йўлдошбек отанинг умр йўлдоши, табаррук 85 ёшдаги, юзларидан нур, гап-сўзидан бол томган, неваразвара, чевара суйган Қурбонбиби ая Норали қизи хотираси тиник, юмшоқ феълли, хокисор онахон.



Сухбатимиз қовушиб, қайинюрти, умр йўлдоши ҳақида илиқ хотираларни ёдга оларкан, чеҳраси ёришиб кетди. Авлод боши – ўқ томирлар яхши инсонлар эканлигини эътироф этганича, жигарлар иноқ-тотув яшаб, улкан дарахтдек шоҳлаб, бутуғлаб, илдиз отиб бораётганидан – ворислар шу аънанани давом эттираётганидан фахрланиш туйғуси уфуриб тургандек эди.

Абдурахмоновлар авлоди ёши улугларидан ёлғиз ёдгор бўлиб қолгани, Норалиевлар авлодидан – умри азизлари ва жигарларини бериб қўйганлари, кўксининг бир четини ўпириб кетгани гўё! Ортида қолганларга далда бўлмоққа куч топа олган фидойи онахонга таҳсинлар камлик қилади. Бу кун ҳаёт бўлган Тошкент шаҳридаги акаси, қолган сингиллари саломатлиги ҳовурини босиб туради.

Бора-бора атрофингиздагиларга қаттиқ боғланиб, бир лаҳза кўрмасангиз, соғинчингиз юксалавераркан. Шунга умр шукур қиламан! Она зоти ҳаммаша боласи ёнида бўлсада, болажонига интилавераркан, ўй-хаёли дийдорлашув бўлиб қоларкан.

Айтишларича, осмон эшиклари ланг очиларкан, она-бола диллашса! Ота-она ҳар гал фарзанди қошу кўзида ўзининг ёшлигини кўрар, ўз навқиронлигини топгандай бўларкан! Шу боисми боласига ичкандек, кўзларини тўрт қилиб, пинҳона кутаркан.

Ҳа, болама, менику термултирдинг, сени болаларинг термултирмасинда!

Сен учун қалбим безовта бўлади-я, деган ўй ўтаркан.

Бу ҳолат барча ота-онага хос. Она соғинчи ҳаммаша жўш уриб туравераркан.

Қурбонбиби ая билан хайрлашаётганимизда бир-биримизнинг бағримиздан узилиб, чиқиб кетишимиз қийин кечди!

Ўз-ўзимни сўроққа тутиб, боласидан ҳеч нарса умид қилмовчи, соғинтириб дийдорига зор қилмовчи фарзандни орзулаган Она тимсолидир..

Бағрим тўкиб битганим ўз ёшлигини эсловри, болаларини атак-чекач юришларини кўз олдидан кеткисизмовчи оналар мисолидир.

Бу хонадонда 10 нафар фарзанд вояга етиб,

бири – деҳқон, бири – зиёли, бири – тадбиркор, бири – ишбилармон, бири – чорвадор бўлсада, ўғил-қизларини илму хунарли, касб эгаси қилишга эришдилар. Тўнғичи Маъсуда 65 ёшда неварадан эвара кўрди. Нуриддин – Фуркат номли мактабда илмий мудир, барча фарзандлари ўқимишли, ўқитувчилик касбини улуглашмоқда.

Насриддиннинг фарзандлари хунар эгаллашди. Фахриддиннинг икки қизи муаллима. Қаҳрамоннинг ўғиллари ҳам ёш авлодга таълим-тарбия бериш билан машғул. Ферузанинг қизи олий таълим маскани талабаси. Муҳиддиннинг икки фарзанди, Қаҳорнинг фарзандлари илм олишмоқда. Ҳусниддиннинг ўғли талаба.

“Катта уй”да қолган кенжа ўғил Садриддин ва келини Шоиранинг болалари мактаб ўқувчилари. Уйда тиним билишмайди, бувижонининг дастёрлари.

Ушбу хонадон вакиллари – Йўлдошбековлар йиғилишса, каттакон иккита меҳмонхонага жо бўлиши турган гап. Илгари бу хонадонда 10 бола ўсаётгани сезилмас, элакдек-элакдек нонлар ёпилар, болаларнинг уст-боши тоза бўлар, ҳовлилар саранжом – жамбил-райхонли эди. Қурбонбиби ая ҳам дала ишлари, ҳам уй ишларига улгурар, қайнона-овсинлар ҳар тадбирда баҳамжиҳат эдилар. Ҳозир ҳам худди ўша кездагидек аҳил, файзли, табаррук хонадонларнинг биридир.

Пири давлат ғанимат – беминнат посбон Она! Туну кун тинмаган зот – кўнгли кенг осмон Она! Ҳам табаррук мўътабар, ҳам буюк номи дoston, Ширин лутфи диловар-дуоғуй ҳам нуктадон. Олий тилак буржида фарзанди аржумандлар, Авлодлар зурриётлари бўйлар асал-қандлар. Она қирк садқа жони фидо мумтоз тимсоли, Барокоти мукамал ободлиги мисоли. Меҳру муҳаббатининг туганмас ниҳояси. Она эътирофчун бормикин муқояси. Ҳаловатдин кечмоғи жумла жаҳонга аён, Эй кўнғил, изҳор айлаб, дилгор сўзинг эт баён.

Ойтути РЕЖАМЕТОВА.  
Сайрам тумани.

Тасвирларда: оила даврасида.

»» Турмуш чорраҳаларида

## ПОЕЗДАДА ТУҒИЛГАН ЧАҚАЛОҚ ёки одамларга яхшилик улашиш саодати



Бу воқеа 2008 йил 27 февралда Кўкчатов – Қизилўрда йўналишидаги йўловчи поездда содир бўлган.

Жамбил вилоятида истиқомат қилувчи, Қарағанди давлат университетини чет тиллар факультетининг 4-босқичида таҳсил олаётган 25 ёшдаги талаба Жанара Қўшқарбаева умр йўлдоши ҳамда қайнопаси билан навбатдаги сессиясини тугатиб, уйига қайтаётган. Имтиҳонларни муваффақиятли топширган Жанара яқин кунларда қизи ёриб, илк бор оналик саодатини туйишга тараддуд ҳам кўраётган. Шифокорлар унга икки ҳафтадан сўнг кўзи ёришини айтишган. Шу боис олис сафарга бемалол чиққанди.

Лекин, кутилмаганда сафар чоғида тўлғоқ тутиб қолади. Чағанақ станциясида ҳомилдор аёлнинг поездда туғиши аниқ-

лигини сезгач, умр йўлдоши Ерлик Еркебуланов шифокор қидириб кетди. Аёлнинг бахтига шу поездда туркистонлик тажрибали шифокор-гинеколог, қарийб қирқ йилга яқин шаҳар марказий туғруқхонасида самарали меҳнат қилган олий тоисил шифокор Зайтуна Гаюпова ҳам пойтахтдан қайтаётган экан. У воқеадан хабар топиши ҳамона дарҳол шифокорлик қасамёдиға содиқ ҳолда ёрдамга ошиқади. Маҳоратини ишга солиб, чақалоқнинг соғ-саломат дунёға келишига кўмаклашди. Чақалоқнинг отаси ва онасининг қувончи бир олам, поезд аҳли, барча йўловчилар шифокорга тақдор-тақдор миннатдорчилик билдиради. Вазни 3,5 кг. Чақалоқ ҳамда унинг онасини навбатдаги Чу станциясида тез ёрдам машинасида туғруқхонага етказишади.

... Мана, орадан 16 йил ўтди. Поезда туғилган чақалоққа Нурдана деб исм қўйишди. У ҳозир Алмати шаҳридаги гимназия мактабида таҳсил олмақда. Келажакда туризм соҳаси бўйича Америкада ўқиш ниятида. Нурдана онаси Жанара билан Наврўзи олам байрамга кўхна Туркистонга ташриф буюриб, поездда доялик қилиб, ҳолис ёрдам кўрсатган шифокор хонадонига келиб, Зайтуна Гаюповани, унинг умр йўлдоши, шифокор Эркин Гаюповни байрам билан самимий муборакбод этишди.

Одамларга яхшилик улашиш, ҳолис ёрдам кўрсатиш саодати барчага насиб этсин.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: учрашувдан лавҳа.



»» Ўзбек этномаданият бирлашмасида

## САНЪАТКОРЛАР КЕНГАШИ



Газетамизда аввал хабар қилинганидек, фаол обуначимиз Райимжон Қўқоров раҳбарлик қилаётган Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси қошида Нурмуҳаммад Йўлдошев етакчилигида санъаткорлар уюшмаси ташкил этилган эди.

Н. Йўлдошев июнь ойида 65 ёшга тўлади, олий маълумотли, сурнай буйича вилоят, республика танловларининг

бир неча қарра голиби. Санъаткорларнинг дастлабки кенгаши йиғилиши А. Яссавий номидаги китобсеварлар клубида ўтди. Ўтган асрда Туркистон заминида ўзбек маданияти, санъати равнақиға ҳисса қўшган фидойи инсонлар ҳақида шоир Эрназар Рўзиматов ва устоз Хусан Убайдуллаевлар муаллифлигида китоб ёзилади.

Унга зарур маълумотлар, суратларни етказиб бериш кўпчи-

лик эътиборига ҳавола қилинди. Туркий оламнинг маънавий пойтахти Туркистон шаҳрида ўтадиган йирик анжуманларда ўзбек санъати – фольклор, кўшиқчилик, карнай-сурнай ҳамда дорбозлик санъатини намойиш этиш масъулияти мана шу ҳамюртларимиз зиммасида.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: тадбирдан лавҳа. Муаллиф суратга олган.

Соғлом рух соғ танни бошқариши ҳақида халқимиз бежиз айтмаган. Ва бунга амал қилиб яшаётганлар юксак маънавиятли инсонлардир. Биз болаларнинг онгига саломатлик инсонга берилган улғу неъмат эканлигини синдиришимиз ва бунинг учун кичкинтойлигидан соғлигини эҳтиёт қилиш зарурлигини англашимиз зарур. Атрофидаги соғлиғида нуқсон бор, турли жисмоний имкониятлардан озми-кўпми чекланган ҳолда ҳаёт кечираётган тенгдошларидан ибрат олишга қақираман, тақдим этилаётган имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб, ўқувчилик вазифасини бажаришга бор куч-ғайратини сарфлашлари зарур эканлигини дарсларим давомида бот-бот такоррлайман.

## БОЛАЛАРИМИЗ РУҲАН СОҒЛОМ БЎЛСИН!



Бу борада шоиру, адибларимизнинг саломатлик ҳақидаги турли шеърлари, қисқа асарларида акс эттирилган қахрамонларнинг ҳолатлари, уларнинг ўз саломатлигига эътибори хусусида гапириб бераман, сўнг эса ўқувчилар билан биргаликда уларни муҳокама қиламиз. Танамиздаги ҳар бир аъзонинг алоҳида вазифасига эътибор қаратамиз.

Болалар фаол кузатиш жа-

раёнига турли ўйинлар, сахна асарлари орқали жалб қилинганлиги сабабли, баъзан улар баҳслашиб, ўз фикрларини исботлашни ўрганадилар. Бу эса дарснинг асосий мақсадларидан биридир.

Бундан ташқари, турли эртаклар, айниқса, бошланғич синф ўқувчиларида ўзига хос руҳиятда мутолаа қилинади ва қабул қилинади. Табиийки, халқ оғзаки ижоди халқимизнинг ўзи

гувоҳ бўлган, орзуларида акс эттирган вазиятлар, ҳолатларни қамраб олади ва миллий бой кадриятларни ўзига жамлаган. Сеҳрли саргузаштлар, халқимизнинг турмуш тарзидан ҳикоя қилади ва шу билан бирга, ўқувчилар билан ҳамкорликда асарда кўзланган бош гоияни аниқлаш ва тўғри хулоса чиқаришига ёрдам беради.

Расмий иловалар орқали ўқувчиларнинг тана аъзолари тасвирланган суратларни топишади, ҳарфлардан ўзлари билган ҳамда дарс мобайнида ўрганган мақолларини айтиб, тушунтириб беришади. Ҳар бир дарс якунида ўқувчининг дарсни қандай ўзлаштирганини аниқлаш ҳам муҳим.

Соғлом турмуш тарзи нафақат дарсда, оила даврасида, оилавий муносабатларда муҳимдир. Соғлом боланинг руҳияти таълим жараёнида ҳам ижобий жиҳатдан намоён бўлади ва буни тарбиявий жиҳатидан ҳам тарғиб қилиш, албатта, атрофдагиларда намуна тарзида акс этади.

Динара ЯМАНОВА,  
52-сонли мактаб-лицейнинг бошланғич синф ўқитувчиси.

»» Кўчат экиб, боғ ярат

## РАМАЗОН ОЙИДАГИ ХАЙРЛИ ТАДБИР



Вилоят “Улес” хайрия жамғармаси ҳамда Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Райимжон Қўқоров вилоят марказидаги “Ўртоқ” мавзесида фаолият юритаётган хусусий тадбиркор Отабек Тўйжоновга шаҳарни кўкаламзорлаштириш, ободонлаштиришдаги ҳомийлиги учун самимий миннатдорчилик билдирди.

О. Тўйжонов шаҳар ва қишлоқлардаги масжидлар ҳовилларини (тасвирда) кўкаламзорлаштириш учун арча ва манзарали дарахт кўчатлари (қиймати 500 минг тенгедан зиёд)ни ҳада қилиб, улкан ҳиммат кўрсатди. “Улес” ходимлари ўз навбатида 20дан зиёд

сифатли мевали дарахт навларини ҳам шу ердан харид қилиб, ўтказишмоқда. Отабек Тўйжонов ҳамда моҳир боғбон Муҳаммадёр Убайдулла ўлғага кўчат хариди масаласида кўплар мурожаат қилишмоқда.

Ш. МАДАЛИЕВ.  
Муаллиф суратга олган.

## Келса гар, Наврўзи олам...

Баҳорий хуш ифорлар, олам бўйлаб елмоқда  
Наврўзи олам, дўстлар, юртимизда кезмоқда,  
Фасли баҳор аслида, яшарш фаслимасми?  
Наврўз байрами эса, байрамлар аслимасми?  
Муслмонча янги йил, унда кириб келмасми?  
Дилларда байрам руҳи, нашидаси елмасми?  
Бул байрам яна, дўстлар, тотувлик байрамидир,  
Бирлик, аҳилликларни, намёнлаш дамидир.  
Кўп миллатли халқ бўлиб, қозоқ, ўзбек, қурд, турк, рус,  
Қозоғистонда шодон, яшаймиз дабдуруст.  
Ер, осмон, нонимиз бир, тандаги жонимиз бир.  
Томирларда қулф уриб оқаётган қонимиз бир.  
Мурод-мақсадимиз ҳам, бир экан, ази дўстлар,  
Кимларга керак, дейман, миллатга ажратилар.  
Одам Ато, Момода, миллат сўзи бўлганми?  
Миллатни бўлган инсон камолларга етганми?  
Қозоқ халқи билан биз, бағирлашиб кетганмиз,  
Илму, фан, маърифатда юксакларга етганмиз.  
Баур, томир, жўлдастар, кўп экан орамизда,  
Қуда-анда бўлиб ҳам, биз яшаб борамизда.  
Яхшимасми, биз шундай, тотувликда яшасак,  
Ёрқин келажак сари, қадамлар ташлай берсак,  
Бирлик ва ҳамжиҳатлик, биздан олис кетмас,  
Кўролмаган ёвузлар, ниятларга етмас...  
Яшай берсак, дўстларим, армон несин билмайин,  
Миллатчилик иллатин бўйинларига илмайин.  
Омонат гул умримиз, қувончда ўтса доим,  
Орзуларимиз рўзин, бераверса худойим...  
Бахтимизга халқимиз, юртимиз омон бўлса,  
Эмин эркин яшарли, бахтиёр замон бўлса...  
Инқирозлар ҳеч қачон, бошларимиз эмаса,  
Бало, қазо, офатлар, келиб бизга тегмас...  
Сизу бизлар, эҳтиром кўрсатиб орамизда,  
Ёрқин излар қолдириб, олдинда борамизда.  
Яратгандан ҳамisha, эзгуликлар тилайлик,  
Қадримизни эъзозлаб суюшларни билайлик.  
Қозоғистон халқларин бирлиги орта берсин,  
Аллоҳим қўллаб бизни, юксакка тортаверсин!  
Шундай байрамларга кўп, бизлар ета берайлик.  
Тотувликлар тафтида, яшаб кетаверайлик.

Анормат ЛОЧИН,

Тўлебий туман ўзбек этномаданият бирлашмаси раисининг уринбосари,  
«Ижодкор» адабий бирлашма аъзоси.

»» Муҳаммад Юсуф хотирасига бағишлаб...

### Муҳаммад Юсуфни унутиб бўлмас

Шеърят туйғуси, галаён этган,  
Ижод қўшиқлари, олами тутган,  
Муҳлислари шеърин интизор кутган,  
Муҳаммад Юсуфни унутиб бўлмас.

Дунёга бир келди, шоири замон,  
Шеърдан ларзада жумлаи жаҳон,  
Ўқисам, кўзга ёш келади ҳамон,  
Муҳаммад Юсуфни унутиб бўлмас.

Икки Пайгамбарнинг олган номини,  
Ҳалоллаб еди у топан нонини,  
Ҳақиқатга бермоқ эди жонини,  
Муҳаммад Юсуфни унутиб бўлмас.

Фарзандим деб, жони-дилидан суйиб,  
Ватанни ҳар недан юқори кўйиб,  
Қирқ етти ёшида хотима туйиб,  
Кетган Муҳаммадни унутиб бўлмас.

Ҳамон изтиробда, Марҳамат аҳли,  
Эслайди мактаби умрбод фаҳри,  
Қатор китоблари, қўшиқлар сеҳри,  
Муҳаммад Юсуфни унутиб бўлмас.

Шеърятда эди, осмону фалак,  
Миллат деб юради, доим жизганак,  
Халқ учун ўзини, этган минг ҳалак,  
Муҳаммад Юсуфни, унутиб бўлмас.

Шеърят оламин, этиб гулистон,  
Ром айлаб, қўшиқлар, дилларда достон  
Эй мунаққид менинг, сўзимга ишон  
Муҳаммад Юсуфни унутиб бўлмас.

Ҳамон Марҳаматнинг йиғлар қизлари,  
Тилларидан тушмас оташ шеърлари,  
Ўқувчилар эслар, ўчмас излари,  
Муҳаммад Юсуфни унутиб бўлмас.

Истеъдод эгаси – буюк зот ўтди,  
Қанча шоир атаб, шеърларин битди,  
Ҳеч бири Муҳаммад бўлмай кетди,  
Бетақорр шоирни унутиб бўлмас.

Тунларни, тонгларга улаган шоир,  
Шеър битиб, қизгалдоқ умрига доир,  
Айтолмай халқига, алвидо, хайр,  
Муҳаммад Юсуфни унутиб бўлмас.

### Онажонингдир

Хазонрезги куз ҳам, ҳовли супурган,  
Қиш уйинг иситиб елиб юзурган,  
Кутиб егулисинг бериб улгурган,  
Бу онадир ёлғиз, онажонингдир.

Невара юз қўлин, ювиб қўяр у,  
Яхши ният қилиб, суюб қўяр у,  
Боламга деб борин тугиб қўяр у,  
Бу онадир ёлғиз, онажонингдир.

Йўлингга қарайди, кўзлар нигорон,  
Қўллари дуода, қўрғаб балодан,  
Қаро тун ҳам фақат, сенла чарогон,  
Бу онадир ёлғиз, онажонингдир.

Бир сўзни дунёда барча уққандир,  
Шоҳу Пайгамбарни (с.а.в.) она тўққандир,  
Момо Ҳаводан поклик унга юққандир,  
Бу онадир ёлғиз, онажонингдир.

Она дер: “Аллоҳдан изла ҳақиқат”,  
Дилию, тилидан тушмас тиловат,  
Оналар пойида аслида жаннат,  
Бу онадир ёлғиз, онажонингдир.

Оналар мадҳига, сўзлар мулки кам,  
Кўзларига зарра кўндирмагин нам,  
Онам, дегин бошга, қилич келса ҳам,  
Чунки бу онадир, онажонингдир.

Онадир, йўлингни, ёритган қуёш,  
Бешиқдан сут билан, у бўлди сирдош,  
Гар ўтса қалбингни, кўйдирар оташ,  
Бу онадир, чунки онажонингдир.

Кўнгул ярим бўлса ҳам,  
Кўзларга ёш қўнса ҳам,  
Паймоналар тўлса ҳам,  
Яратганга минг шукур!

Мунаввар тонг отганга,  
Уфқ қизариб ботганга,  
Саждага уйғотганга,  
Яратганга минг шукур,

Осмонимиз мусаффо,  
Қуйланса соҳир наво,  
Бизга етар, сув, ҳаво,  
Яратганга минг шукур!

Иймон бўлса дилларда  
Дуо бўлса тилларда,  
Дорилмомон кунларда  
Оллоҳимга минг шукур.

Дийдорли оқишларга,  
Барча қариндошларга,  
Кирсангиз юз ёшларга,  
Яратганга минг шукур.

Ҳамма қўша қариса,  
Диллардан дард ариса,  
Қуёш нури дориса  
Яратганга минг шукур!

Ҳеч кимга йўқдир арзим,  
Беш вақт намоздир қарзим,  
Эпласам иймон фарзим,  
Яратганга минг шукур.

Хўрбуви ОДИЛОВА,  
ҚР «Дўстлик» ҳамжамияти  
қошидаги «Ижодкор»  
адабий бирлашмаси,  
Ўзбекистон Республикаси  
«Дўрмон» ижод уйи Халқаро  
ёзувчилар уюшмаси,  
«Илҳом» бўлгои ижодий  
уюшмаси аъзоси.

Табриқий миз!

## Эл қорига қамарбаста инсон

Эл бирлиги, дўстлиги, тараққиётини мақсад тутган ўзбек этномаданият бирлашмаларининг «Дўстлик» ҳамжамияти раиси ўринбосари, кўплаб хайрли ишлар ташаббускори, ҳомийси, «Жанубий Қозғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетасининг жонқуяри, ҳимматли, тадбиркор Абдулла Жаъфар ўғли Исмаиловни таваллуд айёми билан самимий муборакбод этамиз.

Эл қорига қамарбаста, ғайрат-шижоатли ҳамюртимизга мустақам саломатлик, омад ҳамда бунёдкорлик ишларида куч-ғайрат, файзли оиласига осойишталик ва саодат тилаймиз.

Вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси ҳамда «Жанубий Қозғистон» газетаси тахририяти.



Шоҳдайт

“КИМ ЭГРИ ЭСА,  
ТУЗЛУК ЭМАС ПОЯСИ ҲАМ,  
БОР ЎЗИДЕК ЭГРИ СУДУ  
САРМОЯСИ ҲАМ”.

Алишер НАВОЙИ.

(Маъноси: “ҳар кимки, эгри бўлса, унинг топан мартабаси ҳам тўғри эмас, унинг сармоясини, келтирган фойдасини ҳам ўзидек эгри бўлади”).

“ЕТИМЛАРНИНГ МОЛ-МУЛКЛАРИНИ ЗУЛМ ЙЎЛИ БИЛАН ЕЙДИГАН КИМСАЛАР, АЛБАТТА, ҚОРИНЛАРИДА ОЛОВ ЕГАН БУЛУРЛАР ВА АЛБАТТА, ДЎЗАҲДА КУЙГАЙЛАР”.

“НИСО” сураси, 10-оят.



»» Ўзбек этномаданият бирлашмаларида

## ИШ БОШИ – ИНТИЗОМ

ЎКИ ТЎЙЛАРДАГИ ТАРТИБГА  
БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Туркистон шаҳри туркий оламнинг маънавий пойтахти, халқаро сайёҳлик маркази сифатида тараққий этиб, ободонлашмоқда. Шаҳарда учта этномаданият бирлашмаси фаолият юритмоқда.

Энг йириги – Райимжон Кўчқоров раҳбарлик қилаётган ўзбек этномаданият бирлашмаси. 2020 йилги пандемиядан сўнг тўй-тантаналаримизда яна тартиб доира-

сидан чиқиб, исрофгарчилик, ярим кечада мушак отиш, ўринсиз дабдаба, сунъий русумлар кўпайди. Тўйлар таклифномада кўрсатилган вақтда эмас, анча кеч бошланади, сўзга чиқиб, табрикловчилар ҳаддан зиёд, тўйхонадаги мусиқа овози меҳмонлар қулоғини батанг қилади, тўкин дастурхонадаги ноз-неъматлар тўлик ейилмай, исрофгарчиликка йўл қўйилмоқда. Бу эса тўй соҳиблари учун моддий зарар. Пулни елга совириш ўрнига мустақил оила кураётган ёш келин-куёвларнинг рўзғори учун моддий ёрдам кўрсатилса, нур устига нур.

Ҳолбуки, Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси қошидаги камина бошқарётган оқсоқоллар кенгаши 2010 йилдан буён бу борада кўп ишларни амалга оширди. Тажирибамиз вилоят миқёсида ўрганилган.

Яқинда шаҳар ўзбек этномаданият бир-

лашмаси ташкилотчилигида Туркистон шаҳридаги тўйхона соҳиблари, санъаткорлар, тўй бошқарувчи суҳандонлар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирокидаги йиғилишда юқорида қайд этилган масалалар муҳокама қилиниб, тўйларни тартибга келтиришга бел боғладик.

Барча ҳамюртларимизни тўйларни дабдабаларсиз, тежамкорона, ибратли ўтказишга 33 йилдан буён тарғиб қилиб келаётган «Жанубий Қозғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси обунасига даъват этаман.

Тўлқин САИДМУРОДОВ,  
Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси қошидаги оқсоқоллар кенгаши раиси.  
Ш. МАДАЛИЕВ суратга олган.



“ҲАҚИҚИЙ ДЕМОКРАТИЯ УЧУН АҲОЛИНИНГ 40-50 ФОИЗИ 5000 АҚШ ДОЛЛАРИДАН КЎП ДАРОМАД ОЛИШИ ВА ЯХШИ БИЛИМЛИ БЎЛИШИ ЛОЗИМ. АҚС ҲОЛДА, САЙЛОВЛАРДА АҲОЛИ ФИРИБГАРЛАР ВА АКТИВЛАРНИ САЙЛАЙДИЛАР”.

Ли Куан Ю,  
Сингапурнинг марҳум Бош Вазири.

Амир Темури ўғитлари

- Бир кунлик адолат – юз кунлик тоат-ибодатдан афзал.
- Давлат лашкарлари фуқароларнинг садоқати ва фидойилиғи ила қудратлидир.
- Қудратимизга шак-шубҳангиз бўлса, биз қурдирган биноларга боқинг.
- Адоват эмас – адолат енгади.
- Ботир жангда биллар, доно – машваратда.
- Душмандан қўрқма, мунофиқдан қўрқ.
- Оғзингга қон тўлса ҳам душман олдида тупирма.
- Той минган – от ҳам минади.
- Энг баланд минора ҳам ердан қўтарилгай.
- Яхши одам юрт тузар, ёмон одам юрт бузар.

БИРЛАШМА АЪЗОЛАРИ  
КЎЧАТ ЎТҚАЗИШДИ

Инсон доим бунёдкорликка, ободонлаштиришга интилиб яшайди. Айниқса, бу каби фазилатлар бугунги жадал тараққиёт билан ҳамоҳанг равишда юзага келаётган экологик муаммоларни ҳал қилишда устувор саналади.

Куни кеча Туркистон вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси ташаббуси билан Туркистон шаҳридаги “Туркистон – Хожа Аҳмад Яссавий” марказий масжиди атрофида арча экиш мақсадида шанбалик ўтказилди.

Тадбирдан кўзланган мақсад – туркий оламнинг маънавий пойтахти Туркистон шаҳрини кўкаламзорлаштиришга, юртимиз ободончилиғига ҳисса қўшиш, она ватанимизнинг янада гуллаб-яшнашига ҳар бир фуқарони жалб қилиш эди.

“Яхшидан боғ қолур”, дейди доно халқимиз. Шу маънода минтақани кўкаламзорлаштиришга ҳисса қўшаётган ушма аъзоларининг бу борадаги ишлари таҳсинга лойиқ.

М. САФАРОВА.

»» 2024 йил – МДҲда Кўнгилилар йили

БИРЛАШМА ЗАМОНАВИЙЛАШУВ ЖАРАЁНИДА  
ЎЗБЕКТЕР ТАРИХИ

Тўлебий туман ўзбек этномаданият бирлашмаси бошқаруви ва фаолларининг олдига қўйган устувор мақсад бу – давлатимизнинг тинчлик ва ҳамжиҳатликни мустақамлашга қаратилган сиёсатини қўллаб-қувватлаш. Туманимизда фаолият юритаётган турли этномаданият бирлашмалари билан ҳамкорликда эл тотувлигини мустақамлаш, ёшларни қозғистон ватанпарварлиги руҳида тарбиялаш мақсадида туман ЭМБ бошқаруви, фаоллари ва раис иштирокида қатор тадбирлар ўтказилди, бошқа ташкилотлар билан ҳам ҳамкорликда эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилди ҳамда туман, вилоят ва республика миқёсида ўтказилган тадбирлари юкка савияда ўтказилишига ҳисса қўшди. 2024 йилнинг режаси ижтимоий ҳаётда юз бераётган ҳодисалардан келиб чиққан ҳолда тузилди.



Муаммолар ҳам йўқ эмас. Чунки, ўзбек мактабларининг дарслик билан таъминланиши кўнгилидагидек эмас. Бу масала тегишли жойларда айтилди, таклифлар ҳам киритдик. Мактабларда мусиқа мактабларининг миллий чолғу асбоблар синфларини очиш бўйича камина туман раҳбарияти билан бирга бу масаланинг ечимини изламоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2024 йил Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида “Кўнгилилар йили” деб эълон қилинди. Бирлашмамиз ушбу йилга қатъий режа асосида белгиланган марросим сифатида эмас, кундалик ҳаётда кишилар қалбига йўл топадиган тадбир сифатида эътибор қаратмоқда. Зеро, мактаб ўқувчилари ҳамда меҳнат фаолиятини турли соҳаларда бошлаган йигит-қизларимизни ватанпарварликка, она



юртга садоқат ва келажакка ишонч руҳида тарбиялашда улкан аҳамият касб этади. Бу эзгу мақсад йўлида амалга ошираётган ишларимизни из-

чил ва қатъийлик билан давом эттириш ижтимоий, сиёсий, демократик жараёнларга алоҳида эътибор қаратишимизни тақозо этади. Маънавий тарбия ёшларни фикрлашга ва жамият муаммоларини бартараф этишда жонбозлик кўрсатишга ундайди. Чунки тарбияли инсонгина “элим деб, юртим деб, ёниб яшайдиган” фидойи бўла оладилар.

Ўсмонали ҚОДИРОВ,  
Тўлебий туман ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси,  
Қозғистон ўзбеклари “Дўстлик” ҳамжамияти раисининг ташкилий ишлар бўйича муовини.



ИЧИНГИ ТАШҚАРИНГДАН ҲАМ КЎРА КЎПРОҚ ПОКЛА, ОБОД ҚИЛ, ЧУНКИ ТАШҚАРИНГНИ МАХЛУҚ (ХАЛҚ) КУРАДИ, ИЧИНГИНИ ХОЛИҚ (АЛЛОҲ) КУРАДИ...

Мавлоно РУМИЙ.

»» Таботат

ЮРАК ВА ҚОН ТОМИРЛАРИГА  
ҚАНДАЙ ЁРДАМ БЕРИШ КЕРАК?

- Кунига 3 марта юрак ва қон томирлари Е витаминига бой озиқ-овқатларни талаб қилади (сабзавот, пишлоқ, творог, дужаккилар, ўсимлик ёғи).
- Ҳафтада 4 мартаба балқ истеъмол қилиш миокард инфарктдан ўлиш хавфини 44 фоизга камайтиради.
- Кунига 5 дона ёнғоқ истеъмол қилиш умрингизни 7 йилга узайтиради. Ёнғоқ таркибида юрак ва қон томирларини холестериннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилувчи моддалар мавжуд.

ҲАЗМ ҚИЛИШ  
ҚИЙИНЛАШСА...

• Ҳазм қилиш қийинлашса, 200 мл қайнаган сувга 1 ош қошиқ асал эритиб олинади. Ҳар кун оч қоринга 2-3 маҳал ичиб турилади. Муолажа 2-3 кун такрорланади.

• Олмали чой ҳам овқатни яхши ҳазм қилишга ёрдам беради, иштаҳани очади. Бунинг учун олмани паррак-паррак қилиб кесиб, чойнакка солинади. Устига озгина қора чой солиб, қайноқ сув қўйилади. Бироз дам берилади. Сўнгра асал ёки бирор ширинлик билан бирга истеъмол қилинади.

## МАНДАРИН ҚОБИГИНИНГ ФЙДАЛАРИ

• Метеоризм, дисбактериозда мандариннинг қуритилган қобигини қаҳва майдалағида майдаланган ва унга творог, бўтқадан 1 чой қошиқдан қўшинг. Бу усул моддалар алмашинувини яхшилайди.

• Агар сизда шамоллаш, грипп ёки йўтал бўлса, бугли ваннадан нафас олинг. Тор тешиги бўлган идишга бир ҳовуч майда тўғралган мандарин қобигини солиб, устидан қайноқ сув қўйинг, бугда 10-12 дақиқа нафас олинг. Жараёндан сўнгра, бир соат давомида совуққа чиқманг.

Директор – Бош муҳаррир  
Райимжон Ортиқбой ўғли  
АЛИБОВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:  
Муроджон АБУБАКИРОВ,  
Авазхон БҮРОНБОВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шомира МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07.  
Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.  
Тўлебий – Баҳорой ДУСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.  
Қазигурт – Хуршид КЎЧҚОРОВА. +7701-447-37-42.  
Сайрам – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90  
Тулқибаш – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.  
Жетсай, Мақтарал – Муҳтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97  
Келес, Саригоч – Малика ЭЛПОЕВА. +7702-841-78-82

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.  
Мулк эгаси – «Жанубий Қозғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти» масъулияти чекланган биродарлиги.

• Мақолалар, эълон ва билдирүүларидаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклам ва эълон берувчилар масъулдир.  
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди, КЗ34ҒРҮ0022503 сувоҳнома берилган.

«ERNUR» МЧБ Босмахонасида chop этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Қозғистон Республикасида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ:

160000, Шимкент шаҳри,  
Тауке хан шоҳқўчаси, 6-уй, 3-қават.  
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсатқичи – 65466.

Адади – 11700 нусха.

Бўғормак 832.

Навбатчи муҳаррир: Муҳтабар УСМОНОВА.